

Тураржой биноларини тараккиет тарихи

201-Ш ва КАПККК магистранти Махмудова М,

Илм рах: Салохиддинова Д

Афсоналарда нақл қилинишича Шоҳ Жамшед халқ ва мол мулкни муҳофаза қилиш учун муҳофаа кўрғони бунёд этишнинг омилларини бирма бир кўрсатиб ўтади. Унинг ўғитлари бўйича мустаҳкам кўрғон бунёд этмоқчи бўлган одам отни миниб кун чиқиш томонга қараб камондан ўқ отиши керак. Шундан сўнг ўзи турган ер ва ўқ бориб тушган жойига қозик қоқиши керак. Бу бўлажак кўрғоннинг шимолий деворининг ўрни бўлади. Кейин иккинчи қозикдан туриб жанубга, у ердан туриб кун ботар томонга ва ниҳоят нуқтадан туриб шимолга қарата отилган ўқлар бўйича қурилиши керак бўлган кўрғон сахнини белгилаб берган. Бундай иншоотлар деворлари қалин бўлиб, ичига қатор каридор тарзидаги хоналар жойлашган ва у ер одамлар яшаши учун мўлжалланган. Қалин деворлар билан мустаҳкамланиб ўралган ховли еса муҳофаа вақтида мол-ҳолларини сақлашга мўлжалланган. Мана шундай кўрғонлар Авестода „вар„ деб аталади. Олимларнинг фикрича, Тошхөвүз областида очилган Кўзали қир ва Қалали қир ҳаробалари шулар жумласидандир.

Чунонча бир ўқ отиш масофасида қабул қилинган девор узунлиги муҳофаа даврида бир бурчакдан туриб душманни ўққа тутиш имконини берган. Бундан ташқари кунга қараб мўлжалини олиш масаласи ва хоналарни жойлаштириш масаларининг ҳисобга олиниши диққатга сазавордир.

Тураржой архитектурасининг кейиги таракқиети Ўрта Осиёда Шаҳар қурилиши ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. Грек тарихнавислари географияшунослари эрамиздан олдинги IV асрда (Александр Македонский истилоси даврида) бу ерларда талайгина мустаҳкам истехкомга ега бўлган шаҳарлар ҳақида маълумот беришади. Ўша давр тураржой бинолари

архитектураси умуман олганда, кўп хусусиятлари билан то араблар истилосига қадар бўлган уй жойлари архитектураси билан анча уйғунлашган. Бу ўхшашлик қурилиш материалларининг умумийлиги, хона даҳлиз ва ёрдамчи хоналарнинг шакл жиҳатидан бир хиллиги, ёзма ва кириш йўллари ечимларининг умумийлигидадир. Лекин тип жиҳатидан уйлар такомиллашган, ҳар бири ўз даврининг социал кўринишини, оила ва шахс мавқеини акс еттирган.

Араблар истилоси(ерамизнинг VII-VIII асрлари) Ўрта Осиё шаҳарсозлиги, шу жумладан уй-жой қурилиши саънати нисбатан яхши ўрганилган. Афросиёб (қадим СамарқандПанжакент, Варахша (Бухоро яқинида), Болалик тепа (Термиз яқинида) қазилмалари ва қатор археологик тадқиқотлар бунинг исботи бўла олади. Бу давр шаҳарсозлигининг аввалгиларидан фарқи шуки, энди турар-жой бинолари нафақат маъмурий ва диний иншоотлар билан биргаликда қурилиб қолмай, балки ҳаммомлар ва бошқа маданий ҳамда маиший еҳтиёж иморатлари билан биргаликда қурилгандир. Бинолар бир ва икки қаватли , базан ундан баландроқ қурилган. Қурилиш материаллари сифатида пахса, хом ғишт ва ёғоч ишлатилган. Хоналар квадратга яқин тўртбурчак ва каридор тарзидаги узунчоқ шакллардан ташкил топган. Уларнинг кўпчилиги узунчоқ бўлишига сабаб, хом ғишт билан чорси гумбаз (свод) воситасида ёпишнинг имконияти туғлишидир. Квадрат шаклдаги хоналарнинг кичикроқлари (одатда 5-7,5м) гумбаз билан ёпилган. Каттароқлари еса хона ичига қўйилган тўрт устунга тўртта хари ташланиб ва унинг устига бир неча марта яна бурчагини қисқартириш йўли билан тўсин ташлаш воситасида(бу усул архитектура тарихчилари ичида <<дарбази>> номини олган) ёпилган. Хоналар ичида деворлари бўйлаб лойдан ёки хом ғишдан ишланган супалар жойлашган.

Маълумки бир давр мобайнида тараққиётда тўхтаган уй- жой қурилиш санъати ҳам XVI-XIX асрларга келиб яна юксакликка кўтарилди. Бир неча

юз йиллик тараққиёт асосида маҳаллий иқлим шароитлари ҳисобга олиниб, урф-одатлари ҳисобга олиниб, Урта Осиёнинг тоғолди раёнлари, пасттекиликаридаги аҳоли пунктлари шимолий ва жанубий ҳудудларни эгалланганликлари ҳам бунда уз ифодасини топади. Пировардида ҳозир меъморчилик саънати тарихи билан шуғулланувчилар орасида Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива ва Фарғона тураржой типлари фарқ қилинади. Бундан ташқари тоғолди ва дашт зоналари уйлари типи ҳам мавжуд. Буларнинг ҳар бири маҳаллий халқ меъморчилик мактаблари маҳсули бўлиб, айни вақтда умумий муштарак белгиларга ҳам ега.

Бу умумийлик шундан иборатки, уларнинг барчасида асосий элемент ховли ҳисобланади. Ҳовлилар одатда даҳлизлар воситасида боғланган хоналар ҳамда айвон ва шу сингари ёзги яшаш жойлари, хўжалик ҳамда ёрдамчи хоналар билан тўрт атрофдан ўраб олинган бўлган.

Изданишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, бу анъаналарнинг ичида бевосита иқлим шароитига мослашиш ва халқ урф одатларини ҳисобга олиш туфайли юзага келган ўнлаб меъморий қонуниятлар юзага келган бўлиб, улар асоссиз унутиб юборилипти. Бунинг асосий сабаби- инқилобдан кейин Урта Осиё халқлари турмуш тарзи кескин ўзгарди. Маданий тараққиётнинг тобора юксалиши натижасида хонадонларга танча (сандал) ўрнига печка, кейинроқ еса сув иситгичлари, лампа ўрнига электр ёритгичлари, ховлиларга водопровод, газ ва шу сингарилар кириб кела бошлади. Натижада шу даврга қадар қурилган хоналар ва уйлари яшаш шароити талабга жавоб бермай қолди. Аммо қурилиш ишлари олиб боришда, айниқса истиқомат биноларини барпо етишда маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олиш муҳим еканлигини ҳаёт талаблари тақозо етади. Ҳозирги даврда Урта Осиё шароити талаб қиладиган воситаларнинг ҳисобга олиниши кераклиги исботланган зарурат бўлиб қолди. Ҳовлили биноларни қуришда асосан маҳаллий қиммат бўлмаган қурилиш материалларидан фойдаланиш керак :

хом ғишт, пишган ғишт, тахта ганч, алебастр ва хоказолар. Яна шуни алоҳида тақидлаш лозимки, бир неча юз йилликлар давомида такомиллашиб узининг ҳар томонлама устунлигини кўрсатган миллий қурилиш услуби- яни уй-жой барпо етишда синчли қурилиш шаклига ҳозирги кунда яна катта аҳамият берилмоқда. Чунки бундай асосда қурилган уйлар ўзининг зилзила, тошқинлар ва бошқа табиат ҳодисалари тасирига европача услубда қурилган уй-жойларга нисбатан анча бардошли еканлигини ҳаёт бир неча ҳолларда тўлиқ исбот етди. Халқ меъморчилигида кўриб ўтилган анъаналар замонавий уйларда ҳам ўз ифодасини топиш керак. Унда халқимизнинг турмуш тарзи миллий таомили ва ижтимоий ҳолатлари еътиборга олиниши лозим. Ана шундагина замонавий уйлар халқ талабига жавоб бера олиши мумкин. Замонавий турар жой уй лойиҳалирда ҳудудимиз иқлим шароити инобатга олиниши лозим, яъни чўл зоналар учун иложи борича ёпиқ компазицияда, водий тоғ зоналар учун очик ва ярим ёпиқ уйлар, ҳовлилар ва тоғ зоналари учун яхлит компазициясияли уйларни лойиҳалш лозим. Шу нуқтаи назардан қаралганда, уй-жой қурилишида маҳаллий шарт шароитни ва миллий анъаналарни ҳисобга олиш, тўлиқ шакланган ҳамда узининг афзаллик хусусиятларини исботлаган қурилиш усулларида фойдаланиш доимо мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиетлар.

1. А. Ўролов, Д. Нозилов, А. Фармонов, С. Матязов „Қишлоқ уйларини режалаштириш ва қуриш асослари” „Ўзбекистонъ-1994,
2. Х.М.Убайдуллаев, М.М.Иноғомова; «Турар жой ва жамоат биноларини лойиҳалашнинг типологик асослари»: ЎЗР Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги.-Т.: «Ворис нашриётъ»2009.-384б.
3. М.Қ. Аҳмедов, «ўрта осие меъморчилиги тарихи» оили ўқув юрти учун ўқув қўлланмаси.-Т.: Ўзбекистон, 1995.-142 б.